

ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИДА «АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Алламбергенова Нодира Гулмурзаевна,
ф.ф.д. (PhD) НукусДПИ ўзбек адабиёти кафедраси
доценти в.в.б., Ўзбекистон

Аннотация: Мазкур мақолада «Алпомиши» достони қорақалпоқ версиясининг қорақалпоқ фольклоршуносликда ўрганилиши масалалари кенг ёритилади. Достоннинг ёзиг олиниши ва нашр қилиниши, достон юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: фольклор, фольклоршунослик, достон, версия, вариант.

Қорақалпоқ достонлари ғоявий-бадиий жиҳатдан ғоят ранг-бараг, кенг қамровли бўлиши билан бирга жанрий жиҳатдан ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Фольклоршунос олимлар қорақалпоқ достонларини қўйидагича тасниф қилишади: 1. Қаҳрамонлик; 2. Ишқий-романик; 3.Ижтимоий-маиший; 4. Тарихий достонлар [4.211].

Қаҳрамонлик достонларида маҳаллий халқнинг ташқи душманлар томонидан босиб олиниши ва босқинчилар тазиикидан қутилиш учун олиб борилган эрк ва мустақиллик йўлидаги кураш жараёнида чиниқкан Гулойим, Сарвиноз, Алпомиши, Қоблан каби йигит-қизларнинг мардлик ва қаҳрамонликлари ёрқин фолқълорга хос кўтаринки пафосларда талқин қилинади. Мазкур достонлар, асосан, юқорида номлари тилга олинган қаҳрамонлар бошчилигидаги халқ ғалабаси билан яқунланади. Бундай достонлар бош образлари аксарияти ватандошлари озодлиги йўлида курашган, енгилмас миллий қаҳрамон сифатида акс эттирилади.

Қорақалпоқ достонлари ва унинг бадиияти масалалари бўйича амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган, кўплаб монографиялар нашр қилиниб, илмий мақолалар эълон қилинди. Бу соҳада Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор И.Т.Сагитовнинг, филология фанлари доктори Н.Давқараевнинг, профессорлар Қ.Айимбетов,

Қ.Мақсетов, Ж.Хошниязов ва К.Алламбергеновларнинг амалга оширган ишлари алоҳида таъкидга лойик.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида «Алпомиши» достонининг дастлабки варианти Жиямурат жиров Бекмуҳаммад ўғли тилидан 1896 йилда ёзил олиниб, 1901 йилда А.Диваев томонидан Тошкентда босиб чиқарилган. Мазкур нашрда берилган қисқа кириш сўз Қорақалпоқ фольклоршунослигида қаҳрамонлик достонларини ўрганишдаги ilk тадқиқот эди дейиш мумкин. «Албатта, А.Диваевнинг «Алпамыс»ни биринчи марта нашр қилиш, рус тилига таржима қилиш, изоҳлар бериш каби ишларини юқори баҳолаш билан бирга, шу вариантнинг ўзига хослиги, қорақалпоқ версияси эканлиги тўғрисида аниқ фикр берилмасдан, қарама-қарши фикрда бўлганлиги аянчли. Шунга қарамай, «Алпамыс»нинг ушбу матни достон матнини тадқиқ қилувчиларда қизиқиш уйғотди»[4.190]. Масалан, Профессор Ҳасан Поксойнинг Буюк Британия илм даргоҳларида яратган дастлабки йирик асари «Алпомиши» Ўрта Осиёнинг ўзлиги рус ҳукми остида» деб номланган бўлиб, мазкур тадқиқот айнан А.Диваев нашри асосида амалга оширилган. Тадқиқот натижалари инглиз ва турк тилларида китоб ҳолида нашр этилган (Paksoy H.B. Alpamysh: Central Asian Identityunder Russian Rule. – Hartford, Connecticut First AACAREdition, 1989; Paksoy H.B. ALPAMIŞ Rus Yönetimi Altında Orta Asya Kimliği. AACAR (Orta Asya Araştırmalarını Geliştirme Derneği) Kitap Dizisi. – HARTFORD: Connecticut Birinci AACAR basımı, 1989.)

Таниқли қорақалпоқ фольклоршуноси Қалли Айимбетов 1934 йили Хўжамберган жиров Ниёз ўғли (Өгиз жиров) вариантини оқقا кўчириб, 1937 йилда Москвада нашр қилдирган. Худди шу вариант 1941 йилда Амет Шамуратов таҳрири остида тайёрланган «Қорақалпоқ фольклори 20 томлиги» таркибида яна нашр этилди. 1990 йили достон ушбу нашр асосида яна алоҳида китоб ҳолида босилди. 1995 йилда чоп этилган «Қорақалпоқ фольклори беш томлиги» таркибида ҳам эълон қилинди ва ниҳоят, 2007

йилги қорақалпоқ фольклори кўп жилдлигининг биринчи китоби сифатида кўп жилдликдан жой олди. Чунки мазкур вариант «қорақалпоқ фольклоршунослигига ёзиб олинган варианлар ичида мукаммалиги, бадиий ва мазмунан баркамоллиги билан қўзга ташланади»[5.212].

Фольклоршунос Артиқ Каримов томонидан ёзиб олинган Қиёс жиров Қайратдин ўғли репертуаридағи вариант И.Сағитов ёзган сўз боши билан 1957 йилда нашр қилинди. 1956 йилда атоқли ўзбек фольклоршуноси Мансур Афзалов томонидан Қиёс жировдан магнит тасмасига ёзиб олинган «Алпомиши» достонидан танлаб олиб қўйланган парчалар нота ёзувлари билан биргаликда 1999 йилда санъатшунослик фанлари доктори Файзулла Кароматли ва профессор Т.Мирзаев таҳрири остида Тошкентда ўзбек тилида чоп этилди. 1957 йилда Р.Хўжамбергенов томонидан ёзиб олинган Есемурат жиров Нурабиллаев варианти 1960 йили Қ.Мақсетов ва Қ.Мамбетназаровлар таҳрири остида босмадан чиқарилди.

Қолган тўрт вариант, яъни Арзимбет жиров (Қ.Мақсетов ёзиб олган), Курбанбай жиров (ёзиб олган А.Каримов), Тангирберген жиров (А.Жамалов ёзиб олган), Карам жиров (ёзиб олганлар: А.Жамалов, Н.Камалов, Қ.Мамбетназаров) вариантлари «Қорақалпоқ фольклори 100 томлиги» кулиёти таркибида 2007 йили «Қарақалпақстан» нашриётида илк марта чоп этилди. Ниҳоят, «Алпомиши» қаҳрамонлик эпосининг барча вариантлари бир бутун ҳолда – бир жилд ичида китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Мазкур китобни тайёрлашда филол.ф.д. проф. С.Баҳадирова, филол.ф.д. Қ.Байниязов, филол. ф.н. Ж.Хошниязов, филол. ф.н. А.Альниязов, Ю.Байсағатов, А.Календерова каби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Н.Давқараев номидаги тил ва адабиёт институти илмий ходимлари фаол иштирок этилди.

Қорақалпоқ халқ эпослари, шу жумладан, «Алпомиши» достони тадқиқотчиларидан бири таниқли олим Н.Давқараевдир. Унинг 50-йиллар бошларида ёзилган докторлик диссертациясида «Алпомиши» достонининг

Жиямурат жиров вариантига юқори баҳо берилади, куйловчининг бадиҳагўйлик салоҳияти алоҳида таъкидланади. Муаллиф асар хотима қисмидаги:

Алма баслы яшыл сона,
Хаўдектиң көлинде яқшы.
Дандан саплы жаўхер пышақ
Беклердин белинде яқшы, –

дэя бошланадиган шеърий парчани назарда тутиб, «Бунга қараганда, Жийемурат «Алпомиш» достонининг куйловчисигина бўлмаган, балки достоннинг ушбу кунги ваиантини биринчи марта ёзиб олган ва қайта ишлаб чиқсан одам бўлса керак», – дэя ёзади[2.354].

Олим Қ.Айимбетов Жийемурат Бекмуҳаммад ўғлини нафақат жиров, балки талантли шоир эканлигига эътибор қаратиб, бу вариант «қорақалпоқ адабий тили тарихи учун энг зарур ва бой материалларни беради»[5.85], – дэя таъкидлайди.

Жийемурат жиров нусхасини «Алпомиш»нинг бошқа варианtlари билан чоғишириб, ўзига хос сифатларини аниқлаган фольклоршунос олим И.Сағитов достоннинг тили, бадиий савиясининг юксак даражадалигини, асарда қорақалпоқ халқ тилининг энг гўзал бадиий-тасвирий воситаларидан ўринли ва усталик билан фойдаланилганини кўрсатиб беради. [3.204].

1960 йилда «Алпомиш» достонининг яна бир варианті (уни Рамберген Хўжамбергенов ёзиб олган) Есемурат жиров тилидан ёзиб олинган, Қ.Мақсетов, Қ.Мамбетназаровлар томонидан нашрга тайёрлаган («Алпамыс». Халық дәстаны, Есемурат жыраў Нурабуллаев варианты. – Нөкис: ҚҚМБ, 1960.) Мазкур нашрга Қ.Мақсетов қаламига мансуб «Алпамыс» дастаны туўралы» («Алпомиш» достони ҳақида) мақоласи сўз боши ўрнида илова қилинган. Муаллифнинг ушбу мақоласини «Алпомиш» қаҳрамонлик достони хусусидаги жиддий тадқиқот бўлди дейишимиз мумкин. Муаллиф мақолада «Алпомиш» достонининг туркийзабон халқлар

ичида кенг тарқалгани, барча достон ва эртак кўринишида асарлар аслида битта асосга эгалиги, қорақалпоқча варианtlари ҳақида батафсил маълумот беради. Ўн беш саҳифадан ташкил топган мазкур мақолада ушбу нашрда ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинаётган варианtnинг мотив ва сюжет чизиқлари, композицияси, қаҳрамонларга хос характер қирралари, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари очиб берилган.

Шунингдек, Қ.Мақсетовнинг «Қорақалпоқ қаҳрамонлик достонларида наср», «Қорақалпоқ эпоси», «Алпомиши достонининг биринчи нашри»; И.Сағитовнинг «Қорақалпоқ ҳалқ эпоси «Алпомиши» ҳақида», «Алпомиши» эпосининг қорақалпоқча версияси», «Қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси»; Ж.Хошниязовнинг «Алпомиши» эпосидаги айрим номланишлар этимологияси ҳақида», «Алпомиши» қаҳрамонлик эпосининг тўпланиши ва ўрганилиши», «Алпомиши» достони яратилган давр ҳақида», «Жийдали Бойсин» атамаси ҳақида», «Қорақалпоқ қаҳрамонлик достонларининг пайдо бўлиш манбалари»; М.Низаматдиновнинг «Жийемурат Бекмуҳаммад ўғлининг «Алпомиши» достонидаги ижобий ва салбий образлар» каби фольклоршуносларнинг монография, мақола ва маъruzалари яратилиб, оммалаштирилди, буларнинг барчаси қорақалпоқ фольклоршунослигига ўзига хос «Алпомиши» шунослик тармоғининг шаклланганлигини, вақт сайн такомиллашиб бораётганини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007.
2. Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977.
3. Сағитов И. Қарақалпақ ҳалқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1963.
4. Мақсетов Қ., Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979.
5. Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968.